

А Ж Р И М

(жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2025 йил август ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг сайёр суд мажлиси, Қизилтепа туман “Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, раислик қилувчи судья А.Авезов, судья ёрдамчиси Н.Қурбоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қизилтепа туман прокурори ёрдамчиси У.Назаров, жабрланувчи К.Қаюмованинг иштирокида, гумонланувчи Бахшиллов Бахтиёр Бахтилло ўғлига оид 1-2105-2501/122-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Бахшиллов Бахтиёр Бахтилло ўғли (Baxshilloev Baxtiyor Baxtillo o'g'li), 2003 йил 21 апрелда Қизилтепа туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Қизилтепа тумани, “Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир қилганликда гумонланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Суд, гумонланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, уларнинг ярашув ҳақидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Гумонланувчи Б.Бахшиллов, фирибгарлик ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани талон-торож қилиш мақсадида, 2024 йилнинг июль ойи бошларида таниши К.Қаюмова билан Навоий шаҳрида кўришиб, турли алдов йўллари билан ишончига кириб, ундан тилла узугини вақтинчалик фойдаланиб туриш ва қайтариб бериш шarti билан олиб, тилла узукни қайтариб бермасдан, Навоий шаҳридаги тилла тақинчоқлар савдоси билан шуғулланувчи савдогарларга сотиб, сотувдан тушган пул маблағларини ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб, К.Қаюмовага 4.000.000 сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Судда, гумонланувчи Б.Бахшиллов айбига тўлиқ иқрорлиги ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчи етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаганлиги билдириб, ўзига оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Судда, жабрланувчи К.Қаюмова, гумонланувчи Б.Бахшиллов томонидан етказилган зарар тўлиқ қоплагани, унга нисбатан даввоси йўқлиги, гумонланувчи билан ўзаро ярашгани, ярашув ихтиёрий бўлиб, ҳеч ким тазйиқ ўтказмагани, суд ярашувни тасдиқлаган тақдирда, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунарли эканини билдириб, Б.Бахшилловга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.



Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг тўртинчи қисмида, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шунга кўра суд, гумонланувчи Б.Бахшилловга оид жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 582-583, 585-586-моддаларига қўлланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавfli қилмишни содир қилганликда гумонланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган **Бахшиллов Бахтиёр Бахтилло ўғли (Baxshilloev Baxtiyor Baxtillo o'g'li)**га оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан туриб тугатилсин.

Иш бўйича жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қоплангани эътироф этилсин.

Жабрланувчи К.Қаюмовага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 2 дона “DVD-R” дисклар жиноят ишига қўшиб сақлансин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, гумонланувчи ва жабрланувчи эса ажрим нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Навоий вилоят судига апелляция тартибида ёки ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида хусусий шикоят, прокурор эса хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

*Ажрим нусхаси
аслига тўғри:*

ИМЗО

имзо

А.Авезов

А.Авезов

Маъсул судья: Авезов Адиз Муродбекович

